

Баёний (тахаллуси; асл исми Мухаммад Юсуфбек Бобожонбек угли) (1858— Хива — 1923) — Ўзбек шоири, тарихчи, мусикашунос, хаттот ва таржимон. Хивадаги Шергозихон мадрасасида тахсил кўрган. Сулс, куфий, райхоний, шикаста хатларини яхши билган, танбур чертиш ва гижжак чалишда мохир бўлган. Баёнийнинг бир девони, Хоразм тарихига оид икки асари ва таржималари сақланган. У мумтоз шеъриятнинг деярли ҳамма жанрларида ижод қилиб, Навоий, Мунис, Огахий анъаналарини давом эттирган. Аваз Ўтар билан ижодий ҳамкорликда бўлган. «Девони Баёний» шеърлар тўпламини тузган. Унга кирган шеърларида дунёвий севгини улуғлаган, табиат гўзалликларини содда ва раво ифодалаган, мазлумлар, илм-фан ахлининг аччиқ тақдирига ачинган. «Шажараи Хоразмшохий» тарихий-мемуар асари билан Мунис ва Огахий бошлаган ишни давом эттирган. Бунда Ёфасдан Кўнгирот уругигача, Абулғозий Баходирхондан Асфандиёрхонгача ўтган хонлар ҳукмронлиги даври тарихи ёритилган. «Хоразм тарихи» асари «Шажараи Хоразмшохий»даги воқеаларни тўлдирган. Асарнинг аввалги боблари маъно жihatдан «Шажараи Хоразмшохий»га ўхшаб кетади. Лекин ёзилиш услуби билан ундан фарқ қилади. Асарда, асосан Асфандиёрхон ҳукмронлиги даври ва ундан кейин рўй берган воқеалар тасвирланган. 16 бобдан иборат бу асарнинг 8 бобигина бизгача етиб келган. Баёнийнинг ҳар икки тарихий асарида ижтимоий-иктисодий ҳаётга оид жуда кўп қимматли материаллар бор. Жумладан, Хива хонлигининг Бухоро ва Кўкон хонлиги ва хонликка қўшни бўлган бошқа мамлакатлар билан савдо ва дипломатик муносабатлари, меҳнатқашлардан олинадиган ҳар хил солиқлар, Хоразмда яшаган олим ва шоирлар, шаҳарлар ҳаёти, дехкончилик ишлари тўғрисида бой маълумотлар ёзилган. Баёний арабчадан Дарвеш Ахмад («Сахойиф ул-ахбор», 1901), форсчадан Биноий («Шайбонийнома», 1915), Табарий («Тарихи Табарий») асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Мажмуаи шуарои форсий» тўплами (1900) ва бошқани хусниҳатда кўчирган. «Шажараи Хоразмшохий» (инв. ? 9596), «Хоразм тарихи» (инв. ? 7421), «Девони Баёний» (инв. ?? 1120, 7106, 6666) асарларининг қўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

КИТЪАЛАР

Илмдан истасанг, нишон йўқтур,
Бор бошида қазонча салласи.

* * *

Сухбатни гулистонда соз айлабон айланг соз,
Ҳам соқийи гулчехра тутсун майи саҳбони.

* * *

Ҳамрози дўст топилса-ю, жонлар фидосидур,

Орзу шулдурки: камина кўнгул муддаосидур.
Хуш сухбати мажрух дилим давосидур,
Макдами кўзима айна шифо, хоки посидур.

* * *

Мен вафо шиор айлаб топмадим висоли дўст,
Хамнишину улфатлар бас жафога ўрганган.

* * *

Нодон севар замона, дод илкидин нетай,
Бошим олиб фигон ила бир томон кетай.

* * *

Сардорлар ўлди бехирадлар,
Акл ахли юраги тўлди кона.

* * *

Тарк эт бу ватанни, кургил они,
Уд ўз ватанида бир ўтундир.

* * *

Эски бузук харобада чугздек айладим ватан,
Биртўзук ошиёна йўк, келмаса-келмасун нетай.

* * *

Бир табассум бирла хушдил кил, мани десанг агар,
Кўнгли абтар, ранги чун зар, дийдаси тар бўлмасун.

* * *

Кулфат тушуб бошига, огу тушуб ошига,
Келмай киши қошига, акрону меҳрибонлар.

* * *

Айбни икрор айламас,
Хеч номус ор айламас,
Панд этсангиз кор айламас,
Сўз садкаи увол экан.

* * *

Жахонда камсухан ким бўлди, асрори нихон бўлди,
Кимики сўзлади кўп, билки расвойи жахон бўлди.

* * *

Агар иззат тилабсан камнамолиг орзусин кил,
Каю ажнос бисёр, суди йўк, зиён бўлди.

* * *

Феълу хулку сўзларида ростлик эрмас аён,
Ман мунча хайрон, бу не атвор экандур, билмадим.
Килсалар хар ваъда шак йўк мунда ёлгондур бори,
Мунча ёлгон сўз нега даркор экандур, билмадим.

* * *

Хар дам чекибон минг машаккат,
Кун дема утган кунингни тундур.

* * *

Сенсиз манга керакмас рубъи маскун,
Гарчи карин эса хар бир умри жовидона.